

Очилов И.К. - ТМИ, доцент

## СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада суғурта ташкилотларида суғурта ҳодисалари рўй бериши натижасида етказилган зарарларни тўлаш жараёни оператив амалга ошириш учун суғурта даъволари бўйича тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб, мол-мулкка етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳамда суғурта қопламаларини тўлаш бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш, зарарларни бартараф этиш бўйича харажатларни аниқлаш ва уни счётларда акс эттиришни такомиллаштириш юзасидан хулосалар берилган.

**Таянч сўзлар:** зарарларни бартараф этиш, суғурта мукофотлари, суғурта товони, суғурта ходисаси, зарар ҳажми, суғурта даъвоси, мол-мулк, суғурта полиси, зарарланган мол-мулк, суғурта қилдирувчи, гаровга берувчи, гаровга қўйилган мол-мулк, тўланган қопламалар

В статье даны рекомендации по совершенствованию вопросов урегулирование страховых убытков страховых компании, процесс предоставления документов по оперативному рассмотрению их, а также выполнение финансовых обязательств страховых компании по стоимости убытков, причинённых имуществу и отображение их на счетах страховых компании.

**Ключевые слова:** Ликвидация убытков, страховые премии, страховые выплаты, страховой случай, объем убытков, страховое претензия, имущества, страховой полис, порчи имущества, страхователь, залогодатель, залоговое имущества, выплаченные убытки.


In the article Insurance companies insured losses inflicted as a result of the accidents happen to pay for the operational implementation of the process of examining the documents submitted, insurance claims to determine the amount of damage caused to the property and the payment of insurance covering the cost of financial obligations to eliminate losses and it reflects the unappropriated to continue to improve the results.

**Basic expressions:** the elimination of losses, insurance premiums, insurance, accident insurance, and property damage insurance claim, the insurance policy, the damaged property, the insurer pledged, mortgaged property, paid coatings.

Жамиятда фуқаролар ва уларнинг бир гуруҳ жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан ижтимоий-иқтисодий муносабатда бўладилар. Ушбу ижтимоий-иқтисодий муносабатларда рискларни бошқариш ва уни камайтиришда суғурталаш механизмидан фойдаланилади. Суғурта ташкилотларига жамиятдаги фуқаролар ҳамда юридик шахслар олдида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш бўйича катта масъулият юклатилган. Суғурта ташкилотлари томонидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажарилмаслиги салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли, суғурта ташкилотларининг барқарор

молиявий фаолият кўрсатишини таъминлаш асосий вазифа бўлиб ҳисобланиб, барқарор молиявий фаолият юритишда даъволарни кўриб чиқиш ва уни тугатиш жуда муҳим ўринга эга.

Ўзбекистон суғурта бозорини таҳлил қилганимизда жами йиғилган суғурта мукофотлари 2015 йилда 2011 йилга нисбатан 2.6 баробарга кўпайган (фоизда 260.0%), 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 126 фоизга кўп суғурта мукофотларини йиғилиб, ўсиш суръати 26% ни, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 125,5 фоизга кўп суғурта мукофотларини йиғишга эришилиб, ўсиш суръати 25,5% ни ташкил этди (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон суғурта бозорининг 2011-2016 йилларда йиғилган суғурта мукофотлари ва қопламалари (млн сўм)<sup>1</sup>**

Ўзбекистон суғурта бозори бўйича жами тўланган суғурта қопламаларини таҳлил этганимизда 2015 йилда 2011 йилга нисбатан 2.5 баробарга кўпайган (фоизда 249.4%), 2015 йилда 2014 йилга нисбатан суғурта қопламалари 148.7 фоизга кўп тўланиб, ўсиш суръати 48.7% ни, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан суғурта қопламалари 117.5 фоизга кўп тўланган бўлиб, ўсиш суръати 17.5% ташкил этди. Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики суғурта мукофотларини йиғиш ва қопламаларни тўлашда ҳам ўсиш кузатилмоқда (1-расм). Аммо суғурта ҳодисалари содир бўлгандан сўнг суғурта даъволар бўйича тўланган қопламаларнинг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан салмоғи 2012 йилда 2011 йилга нисбатан -3.3 пунктга камайган, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан -1.5 пунктга камайган, 2015 йилда 2011 йилга нисбатан тўланган суғурта қопламаларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан салмоғи 0.1 пунктга кўпайган бўлса, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан -1.5 пунктга

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди [7]

камайган (2-расм). Хулоса қилиб айтганда ўтган 5 йил давомида суғуртанинг ҳимоялаш функциясида сезиларли даражада ўзгаришлар юз бермаган бўлсада, 2016 йилда 2011 йилга нисбатан тўланган суғурта қопламаларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан 1.4 пунктга пасайиш кузатилган.



**2-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида 2011-2016 йиллар бўйича тўланган суғурта қопламалари (фоизда)<sup>2</sup>**

Суғурта ташкилотларида суғурта ҳодисалари рўй бериши натижасида етказилган зарарларни тўлаш жараёни оператив равишда амалга оширилмаслиги, миждозларнинг суғурта хизматида бўлган ишончсизлигини келтириб чиқади. Натижада суғурта ташкилотларининг ривожланишига салбий таъсир қилади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суғурта ташкилоти молиявий барқарорликни таъминлаш, бинобарин, суғурталанувчилар олдида ўз мажбуриятини бажаришини таъминлаш мақсадида суғурта “POOL”ида иштирок этиши ёхуд бошқа суғурта ташкилотлари ёки ихтисослашган қайта суғурта ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга кириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 959-моддасида «Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин» деб алоҳида қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар” деб номланган 163-моддасида “...шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга..., ...фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга..., ...жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди” деб кўрсатилган. [6],[8]

<sup>2</sup> Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди [7]

Суғурталовчида суғурта турлари бўйича операцияларни амалга ошириш учун етарли даражада молиявий маблағлар бўлишини талаб этади. Бундан ташқари, суғурта компанияси ишлаб чиққан бизнес-режада суғурта тарифи ставкаларини тўғри ҳисобланишига ва актуар ҳисоб-китобларга алоҳида эътиборни қаратиши лозим. Сабаби шундаки, нотўғри ҳисоб-китоб қилинган тариф ставкаси, суғурта ташкилотини молиявий барқарорлигининг пасайишига ёки тўлов қобилиятининг ёмонлашувига олиб келади. Фуқаролар ҳамда юридик шахслар томонидан тақдим этилган суғурта бўйича даъволарни кўриб чиқиш куйидаги тартиб амалга оширилади.

Гаровга қўйилган мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта қилдирувчи(гаровга берувчи ёки наф олувчи), суғурта ҳодисаси ва зарарланган ёки нобуд бўлган мулк тўғрисида маълумотни суғурта ташкилотига 3 (уч) кун ичида ёзма равишда тақдим этиши зарур. Суғурта ташкилоти томонидан гаровга қўйилган мол-мулкнинг зарарланиши ёки нобуд бўлишини келтириб чиқарувчи суғурта ҳодисаси рўй берганда, ҳодиса асосларини аниқлаш учун комиссия ташкил қилинади. Комиссия таркибига суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, гаровга берувчи ва наф олувчининг вакиллари, ҳодиса тавсифига кўра мутасадди ташкилот вакиллари, экспертлар, баҳоловчилар ва бошқа вакиллар киради.

Комиссияга суғурта ҳодисаси бўйича зарарланган мол-мулк бўйича куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Суғурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома;
2. Суғурта шартномаси ва/ёки суғурта полиси;
3. Суғурта ҳодисаси натижасида зарарланган ёки бутунлай яроқсиз ҳолга келганлигини тасдиқлаб тузилган маълумотнома;
4. Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжат (гидрометеорология маркази, техника назорати, ички ишлар бошқармасининг йўл- транспорт ҳодисасини тасдиқловчи ва бошқа ваколатли ташкилотлар маълумоти).
5. Бундан ташқари суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган Суғурта ҳодисасига оид маълумотларни суғурталовчига тақдим қилиши шарт.

Суғурталовчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида мулкка етказилган зарар миқдори аниқланади ва маълумотнома тузилади. Мол-мулкка етказилган зарар миқдорини аниқлашда ваколатли ташкилоларнинг маълумотларидан фойдаланилади. Барча томонлар маълумотномага қўл қўядилар ва қўл қўйиш жараёнида ўз эътирозларини маълумотномада акс эттирадилар. Тузилган маълумотномалар суғурта ҳодисаси тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигини билдирмайди ва даъво иши кўриб чиқилиб, қарор қабул қилингунча маълумотномалар асосида суғурта товони тўланмайди.

Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Суғурта товони етказилган ҳақиқий зарар миқдорида, лекин шартномада белгиланган суғурта пулидаги миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

Суғурта пули суғурта шартномаси тузилган вақтда мулкнинг ҳақиқий қийматидан юқори белгиланган бўлса, суғурта товони миқдори мулкнинг

суғурта шартномаси тузишдаги ҳақиқий қийматидан келиб чиққан ҳолда мутаносиб тарзда белгиланади. Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суғурта ҳодисаси рўй берганлиги ёки суғурта ҳодисаси рўй бермаганлиги ҳақида қарор қабул қилади. Қарорда суғурта товони миқдори белгиланади. Суғурта товони наф олувчининг хоҳишига кўра суғурта қилдирувчига, гаровга қўювчига ёки наф олувчига далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

Агар суғурта товонини тўлаш белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди.

Суғурта ташкилотлари бундан ташқари молиявий рискларни суғурта қилиш тури бўйича суғурта даъвоси бўлганда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади[2]:

- суғурталанувчининг ёзма аризаси;
- зарарни исботловчи форма ва унинг изоҳи;
- тижорат шартномаси;
- суғурта ҳодисаси бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- тузилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва ариза-анкета;
- суғурталанувчининг хорижий шериги билан берган хулосаси;
- кўрилган зарар ҳажми ва суғурта даъвосини бартараф этиш бўйича гуруҳ мажлисининг баённомаси;
- суғурталанувчининг талаб қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги аризаси;
- суғурта тўловини тўлаш ҳақидаги маълумотнома;
- суғурта тўловини тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов-топшириқномаси нусхаси;
- зарарга оид бошқа маълумотлар.

Фуқаролар ҳамда юридик шахслар томонидан суғурта даъволари бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, суғурта ҳодисаси рўй берганлиги ҳақида қарор қабул қилинади ва унда суғурта товони миқдори белгиланади. Ушбу қарордаги суғурта товони суммасига 2210 «Ҳисобот даврида тўғридан-тўғри суғурта бўйича содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари» ёки 2220 «Муддатидан олдин тугатилган шартномалар бўйича суғурта товонлари» ёхуд 2230 «Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари» счетлари дебетланади ва 6030 «Суғурта қилдирувчиларга тўланадиган счётлар» ёки 6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счётлар» счёти кредитланади[3].

Суғурта ташкилотларида 2210 «Ҳисобот даврида тўғридан-тўғри суғурта бўйича содир бўлган суғурта бўйича ҳодисалари бўйича суғурта товонлари» счётида ҳисобот даврида содир бўлган ҳодисалар бўйича тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари юқорида кўрсатилган суғурта даъво иши бўйича ҳисобга олинади. 2220 «Муддатидан олдин тугатилган шартномалар бўйича суғурта товонлари» счётида муддатидан олдин тугатилган тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган



суғурта товонлари ҳисобга олинади. 2230 «Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари» счётида 6050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счёти дебети билан боғланган ҳолда қайта суғурта қилдирувчига тўланган суғурта товонлари суммалари акс эттирилади[3]. Ҳисобот даврининг охирида йиғилган товонлар йиғиндиси суғурта таннархига ўтказилади, яъни, 2210, 2220 ва 2230 счётларнинг кредитидан 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебетига ўтказилади ва жами суғурта ишини юритиш харажатлари аниқланади.

Суғурта ташкилотлари томонидан миждозларга ёки бошқа юридик шахсларга ҳам даъво ишлари киритилиши мумкин, яъни, нотўғри тўланган суғурта товонларини қайтариб олиш тўғрисидаги талабнинг билдирилишини мисол келтириш мумкин.

4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебетиде даъволар бўйича ҳисоб-китоблар бўйича муомалаларнинг ҳисоби юритилади ва мазкур счёти бўйича аналитик ҳисоб даъволарнинг турлари бўйича алоҳида ташкил этилади. 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётда қуйидаги муомалалар ҳисобга олиб борилади, жумладан:

- суғурта товонини қоплаш бўйича суғурта ҳодисасининг юз берганлигида айбдор бўлган учинчи шахслардан ундириладиган суммалар бўйича ҳисоб-китоблар;

- мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга ва транспорт ташкилотларига уларнинг счётлари текширилганда шартномада келишилган ва прејскурантда назарда тутилган баҳо ва тарифларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги сабабли киритилган даъволар суммаси ва ҳисоб-китоблари;

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тақдим этилган счёт-фактураларда арифметик хатолар ва баҳоларнинг ошиб кетиши аниқланганда ёки арифметик хатолар товар-моддий қийматликлар ёки харажатларни ҳисобга олувчи счётларда ёзувлар амалга оширилгандан сўнг аниқланганда киритилган даъволар суммаси ва ҳисоб-китоблари;

- мол етказиб берувчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга юкнинг камомоди бўйича киритилган даъволар суммаси ва ҳисоб-китоби;

- суғурталовчининг счётларидан банк муассасалари томонидан пул маблағларининг нотўғри ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича киритилган даъволар суммаси ва ҳисоб-китоби;

- мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқалардан томонидан шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлиги сабабли вужудга келган ва тўловчилар томонидан тан олинган ёки хўжалик судининг қарори билан белгиланган миқдордаги олинадиган жарималар, пенялар, неустойкалар бўйича киритилган даъволар суммаси ва ҳисоб-китоби;

-мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларга уларнинг айби билан юзага келган, яроқсиз маҳсулотлар ва бўш туриб қолишлар бўйича киритилган даъволар суммаси ва ҳисоб-китоби;

-бошқа корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун тан олинган жарима, пеня ва неустойкалар, шунингдек, суғурта шартномалари бўйича регресс даъволар суммаси ва ҳисоб-китоби.

Юқорида кўрсатилган даъволар бўйича маблағлар ундирилганда 4860 «Даъволар бўйича олинган счётлар» счёти ёки 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счётида кредитланади ва пул маблағларини ҳисобга олувчи 5100, 5200 ва 5500 счётлар келиб тушган тўловлар суммасига дебетланади. Қониктирилмаган ёки ундирилмаган даъво суммаси суғурта ташкилотларининг харажатларни ҳисобга олувчи счётларга олиб борилди ва ҳисобдан чиқарилади.

Суғурта даъволарни кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этамиз.

- суғурта ташкилотлари томонидан суғурта ходисасини кўриб чиқиш жараёнида миждозларга ҳуқуқий ёрдам бериш хизматларини ташкил этиш ва суғурта қонунчилигини мукамал эгаллаган суд органи ходимларини жалб этиш;

- суғурта компаниялари ўз таркибида техник хизмат кўрсатиш устахоналарини ташкил этишлари керак. Йўл-транспорт ходисаси содир этилганда кўшимча хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозим. Суғурталаш жараёнига қамраб олинган транспорт воситаларини график асосида белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтказиш ва уни ҳолатини ўрганиб техник хулосалар бериш суғурта ходисасининг камайшига ва кўриладиган зарар миқдорини камайтиришга (рискни олдини олишга) олиб келади. Бу эса суғурта компанияларини катта миқдордаги зарарни қоплаб беришдан ҳимоялайди;

- суғурта компаниялари суғурта қилдирувчининг автотранспорт воситасини техник хизмат кўрсатиш устахоналарига тузатиш учун қабул қилинган даврида унга вақтинча фойдаланиб туриш учун автотранспорт воситаси такдим қилиш амалиётини жорий этиш;

- автомобиль йўлларининг техник жиҳатдан талабларга жавоб бермаслиги оқибатида содир бўлган йўл-транспорт ходисаси натижасида вужудга келган зарарларни йўлларнинг техник ҳолатига жавоб берувчи ташкилотларга даъво шаклида қаратиш ва уни ундириш амалиётини татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари миждозларни ҳамда суд органи ходимларини етарли даражада суғуртага оид маълумотлар билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган таклифларни амалиётга татбиқ қилиниши суғурта даъволарини сифатли кўриб чиқилишини таъминланиши учун хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шеннаев Х.М. “Ўзбекистон суғурта бозори”-Т.:”Иқтисод-Молия”, 2013 йил 256 б.
2. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Кенжаев И.Г., Широшов С.Э. “Суғурта иши” ўқув қўлланма.Тошкент- 2014 йил, “IQTISOD-MOLIYA” 248 бет.
3. Ochilov I., Sulstonov D. Sug‘urta hisobi va hisoboti. O‘quv qo‘llanma. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013у. – 224 bet.
4. Страхование: экономика, организация, управление: Учебник; В2 т./СПбГУ, Подред.Г.В.Черновой. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2010 – Т.1–751с, Т.2–671с
5. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. ТМИ, Тошкент– 2012 йил. – 720 б.
6. Ўзбекистон республикасининг фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 й.
7. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)
8. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)